

**КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ.**

Jalilov Olimjon Muxidinovich

Jizzax davlat pedagogika universiteti

Amaliy ingliz tili kafedراسi o'qituvchisi

Tel; +998933036504. E-mail: jalilov@hotmail.co.uk.

Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан Америка, Германия, Франция, Бразилия, Испания, Финландия, Россия ва бошқа давлатларда тил таълимидаги компетенция ва компетентлик назарияси, хусусан, компетентлик ёндашувининг асосий компонентларини ривожлантириш тизими бўйича салмоқли илмий ишлар қилинган, бу борада муайян илмий фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, америкалик тилшунос М.Chomsky биринчи марта XX асрнинг ўрталарида ўз асарларида “компетенция” атамасини қўллаган ва уни “инсоннинг” бирор фаолиятини амалга ошириш лаёқати” деб таърифлаган. Мазкур назариячи олим тилнинг мустақил сатҳларидан бири бўлмиш синтаксисга бағишланган илмий асарларида “компетенция” (competence) ва “қўлланиш” (performance) тушунчаларини қиёсий таҳлил қилади ҳамда ушбу атамалар мазмунидаги фарқларни “сўзловчи-тингловчи”нинг билимлари билан тилнинг мулоқот ва фаолиятида қўлланиши орасидаги тафовутлар орқали очиб беради¹.

Компетентлик – муайян лаёқатга эга бўлиш билан бир қаторда ушбу фаолият турига нисбатан шахсий муносабатни ҳам кўрсатувчи тушунчадан иборат, деган ғояни илгари сурган финляндиялик олим Г.Гарфинкель ўзининг илмий асарларида мазкур тушунчага мулоҳаза билдиради. У компетентликни шахснинг билим, кўникма ва тажрибалари, ижтимоий-профессионал, яъни жамиятда эгаллаган касбий мавқеига мослиги, ўз лавозим вазифаларини бажариш, унга доир муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги деб тушунади². Унинг таърифидан компетентлик шахснинг муайян билим ва малакаларга эгаллиги ҳамда у ёки бу вазиятда самарали фаолият юритиш учун тайёр эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

¹ Chomsky, N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, May 1965, 261 p. 265; Chomsky, N. Syntactic Structures. Mouton, 1957, 117 p.

² Гарфинкель Г. Концепция и экспериментальные исследования «доверия» как условия стабильных согласованных действий/ Пер. с англ. А.М.Корбута. –Москва: Социологическое обозрение, 2009. – Т.8. – № 1. – С.3–25.

БААдаги Ал Васл университети тадқиқотчиси Нисод Чатҳамкулам Абдулрахмон ва Дубайдаги Британия университети вакили Эмад А.С.Абу-Айяшнинг айрим мақолаларида³ тил компетенцияси, коммуникатив компетенция ва ўзаро таъсир компетенцияси билан боғлиқ илмий адабиётлар ўрганилган. Муаллифлар 2 та мақсадни: а) лингвистик, коммуникатив ва ўзаро таъсир компетенциялари ҳақидаги маълумотларни илмий жамоатчиликка тақдим этиш; б) мавжуд барча адабиётларни танқидий ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш; бу борадаги камчиликларни аниқлашни режалаштирганлар. Мазкур олимларнинг ютуқлари шундаки, таъкидланган компетенцияларнинг учала турига тегишли тадқиқотларни батафсил муҳокама қилган; самарали аудитория машғулотларини ўтказиш ва тадқиқотлар олиб бориш учун тегишли методик тавсиялар берган.

Хуллас, компетентлик – деганда инсоннинг компетенция ва фаолият предметига шахсий муносабатларидан иборат мос компетенцияга эгаллиги ҳам тушунилади. Бизнинг назаримизда, тадқиқотимизга дахлдор компетенция тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади ва кенг маънода ифодаланишга хизмат қилади: а) педагогика олий ўқув юрталарининг инглиз тили ва адабиёти йўналиши битирувчисининг тайёргарлиги, “мутахассислаштирилган”лиги, фаолият усуллари ва воситаларига ҳақиқий эгаллиги, педагогик ва лингвистик компетенция билан боғлиқ муаммолари ўз вақтида бажара олишлиги билан ифодаланувчи таълим натижаси; б) атроф-муҳитини шакллантириш муайян мақсадни қўйиш ва унга эришиш имконини берувчи билим, малака ва кўникмаларнинг мослиги.

“Компетентлик” атамасидаги “-лик” қўшимчаси аслида таълим сифатига эгаллик даражасини билдирганлигини олимлар яхши билишади. Шунинг учун ҳам мазкур атама миллий тилимизда ва педагогик амалиётда таълим сифатлари ва уларга эгаллик даражасини белгилаш учун қўлланилади. Компетентлик – деганда шахснинг муайян фаолият юритишга умумий қобилиятлар ва унинг касбий тайёргарлигида намоён бўлувчи таълим жараёнида ўзлаштирилган билим ва тажрибаларга асосланган интеграллашган сифатлари тушунилади.

Демакки, “компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари билим, малака ва кўникма тушунчаларидан бироз кенгроқ, чунки улар шахснинг муайян соҳага йўналтирилганлиги, қўйилган муаммо ва

³ Nishad Chathamkulam Abdulrahman, Emad A. S. Abu-Ayyash. Linguistic competence, Communicative Competence and Interactional Competence. - JOURNAL OF ADVANCES IN LINGUISTICS Vol 10 (2019) ISSN: 2348-3024. - 1600-1616.

вазифаларни ҳис қила олиши, синчковликни намоён қила олиши, эгилувчан фикрлашга эга бўлиши каби педагогик сифатларни ўз ичига олади. Миллий тилимизда ҳар иккала атама синоним тушунчалар сифатида қўлланилади. Бу тушунчалар миллий педагогикамизда нисбатан янги ҳисобланганлиги учун ҳам тегишли адабиётларда уларнинг турли хил талқинлари мавжудлигини кўрамиз. Лекин уларнинг ихчамлашган, мазмунли ва меъёрлашган ифодаси олий таълимнинг Давлат таълим стандартидаги таърифларда берилган.

Миллий таълим тизимида олий ўқув юртлири муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар нуқтаи назардан компетентлик тушунчасида бўлажак мутахассиснинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият методлари мажмуасини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади. Ушбу масалага янада яқинроқ ёндашамиз: тадқиқотимиз объектига мос келадиган педагогик фаолият нуқтаи назаридан қараганда *компетенция* – бу билим ва амалиёт орасидаги алоқани ўрганиш имконияти ёки кенг маънода муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган жараённи, хусусан, ҳаракат ва билимни кўрсатиш, топиш қобилиятидир, дейиш мумкин.

Илмий-методик адабиётларда компетенция асосан икки хил: таянч ва асосий компетенция бўлиб изоҳланган. Хусусан, таянч компетенция – бу ўз тавсиф ва қўлланиши даражаси бўйича олмавий, асосий компетенция эса ўз тавсиф ва қўлланилиш даражаси бўйича қаралаётган мутахассисликка мос келувчи компетенция сифатида изоҳланади. Шу боисдан бу компетенция кўпчилик илмий адабиётларда касбий компетенция деб номланган ва шу тарзда таҳлил қилинган.

Умуман олганда, касбий компетентликка берилган барча таърифлар ўзида муайян ижодкорликни ифодалайди. Хусусан, тадқиқотимиз объекти билан боғлиқ ҳолат, айнан, педагог ижодкорлиги ўз предметида эга. Масалан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиси инглиз тили ва унга дахлдор фанлар соҳасидаги барча билимларни, таълим ва тарбия методикасини пухта эгаллаган бўлиши, уларни психология-педагогикада синчиклаб текшириб кўриш ва муомала қилиш кўникмасига асосланади. Шу боисдан педагогик ижодкорлик учун қўйидаги омиллар жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз; педагог муаммоларнинг кўп хиллиги ва уларни ўз ечимлари, яъни ҳал этишнинг вариантливлигини; ўз маҳоратининг даражаси ва тавсифини ҳамда уни янада ривожлантириш мумкинлигини; уни такомиллаштириш ҳоҳиши,

янги ечимларнинг зарурлигини тушуниш ва унга рухий тайёргарлик ҳамда уни амалга оширишга ишонч.

Компетенциянинг малакалардан фарқи шундаки, у анланган, лекин автоматлашмаган. Бу эса инсонга нафақат одатий, балки янги ностандарт ҳолатда ҳам ҳаракат қилиш имкониятини беради. Агар компетентлик қобилият сифатида қаралса, у ҳолда инсоннинг турли хил қобилияти ва истеъдоди ҳақида сўз боради. Бунда “қобилият” тушунчаси талқинида турлича ёндашувлар мавжуд. Шахсли ёндашувга кўра, қобилиятлар шахснинг муваффақиятли фаолиятга хос хусусияти ёки хусусиятлари тўплами, шу жумладан, инсоннинг эмоционал ва иродавий хусусиятлари сифатида тушунилади.

Функционал-генетик ёндашув қобилиятни у ёки бу психик жараённинг амалга оширувчи функционал тизимларнинг самарадорлик тавсифи сифатида талқин этади. Бундай ҳолда шахс тузилмасидаги когнитив, мотивацион ва ҳулқий компетентларнинг бирлигини ифодаловчи компетентлик ва компетенция тушунчалари қобилиятлар сифатида қараш мумкин.

Дифференциал ёндашувга кўра, қобилият, билим, кўникма ва малакаларга кирмайдиган, аммо фаолиятнинг янги усуллари ва йўллари билан тез ва осон ўқитишга хизмат қилувчи фаолиятни бажариш самарадорлигини аниқловчи инсоннинг индивидуал-психологик хусусияти сифатида қаралади. Бунда қобилият инсон имкониятининг бир қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, қобилиятлар инсон имкониятларининг бир қисми, муваффақият эса ирода, мотив ва ижтимоий муҳитга боғлиқ⁴.

Илмий-методик адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, мутахассис олимлар фаолиятли ёндашувни истиқболли ҳисоблайдилар, чунки улар компетентликни касбий фаолиятда намоён бўлади ва шу билан бир вақтда унинг асоси ҳам бўла олади, – деб таъкидлайдилар. Бундай ҳолда компетентлик вазиятларнинг аниқ доирасида самарали ҳаракатни юзага келтириш учун зарур бўлган ички ресурслар тизими сифатида тушунилади. Компетентлик тузилмасида қуйидаги компетентлар ажратилади: йўналтирувчилик ва ижрочилик, мазмунли (билим) ва жараёнли (кўникма), когнитив ва операционал.

Ўқитувчи компетентлигининг мазмунли жиҳатини таҳлил қилган А.К.Маркова ўз ишларида⁵ педагогик компетентлик тузилмасини

⁴Қаранг: Темиров С.Й. Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2014. - 15-16-бетлар.

⁵Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.:”Знание”. -1996 – 308 с.

жараён (педагогик фаолият, педагогик мулоқот, ўқитувчи шахси) ва педагогик фаолият натижалари, яъни таълим олувчининг таълим олганлик ва тарбияланганлик нуқтаи назардан тизимлаштирган. Бунда меҳнатнинг ҳар томон учун психологик модул деб номланувчи касбий билимлар, касбий малакалар, касбий психологик хусусиятлар яъни сифатлар иштирок этади. Кўрамизки, А.К.Маркованинг фикр-мулоҳазаларида муайян асослар мавжуд: ушбу нуқтаи назарга кўра, бизда компетентлик тузилмасида фаолиятнинг ички вазифаси, яъни мотив, билим, кўникма ва малака каби элементларни қараб чиқиш, унинг жараёни ва натижалари кўрсаткичларини ҳисобга олиш ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади.

Таъкидлаш лозимки, илмий-методик адабиётларда компетентлик тузилмасидаги ўз-ўзини назорат қилиш механизмлари ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар берилган. Бу ерда биз Е.В.Бурцева, О.А.Конолкин, А.К.Осницкий ва бошқа олимларнинг илмий ишларини назарда тутаяпмиз. Масалан, Е.В.Бурцева номзодлик диссертациясида касбий компетентликнинг шаклланишини ўз-ўзини бошқариш тизимига киритган, касбий мақсадларга айланувчи касбий мотивлар мазмунининг яратилиши сифатида қараган. Касбий компетентлик касб талабларига жавоб берувчи махсус билим, кўникма, малака ва шахс сифатлари мажмуасидан иборат. У ижтимоий фойдали натижаларни олишга йўналтирилган бўлиб, унда шахсий ўз-ўзини бошқариш натижасида етишиш мумкин⁶, –деб таъкидлайди.

Илмий-методик манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни тасдиқлайдики, айрим тадқиқотчилар мутахассис касбий компетентлиги моҳияти унинг касбий фаолиятга тайёргарлигидан иборат, – деб ҳисоблайдилар. Фаолиятга тайёргарлик компетентликнинг тузилмали компоненти сифатида, шунингдек, кенгроқ маънода эса касбий ўз-ўзининг англаш, мотивацион-қобилиятли ва мазмунли-жараёнли компонентларнинг бирлигини ўзида ифодаловчи шахснинг динамик тузилмали-даражали таълими сифатида қаралиши мумкин. Бу борадаги таҳлиллarga янада ойдинлик киритиш мақсадида айрим манбаларга мурожаат қиламиз.

Касбий фаолиятга тайёргарлик устида гап борар экан, бу ўринда Г.А.Ларионованинг фикр-мулоҳазалари эътиборимизни тортди. Олиманинг фикрига кўра, тайёргарлик тузилмасига амалий билимлар мажмуаси ва шахснинг фаолиятга киришини таъминловчи

⁶Бурцева Е.В. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности сотрудников ОВД средствами развития самоуправления: дисс... канд. пед. наук. Комсомольск-на-Амуре. – 2002. – 215 с.

хусусиятлари киради. Меҳнатга тайёргарлик эса икки омил, яъни операционал (билим ва кўникмалар) ва шахсий (кўрсатма, меҳнатга йўналтирилганлик, касбий мотив хусусиятлари, одат ва муносабатлар тизими, эмоционал ва иродавий функциялар, шахснинг касбий амалиётли сифатлари) компонентларидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади⁷.

Айтилган мулоҳазалар асосида қуйидаги қисқача хулосаларни таъкидлаймиз:

1. Кўпгина илмий-методик адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари бизга компетентлик ва компетенция тушунчалари бўйича икки ҳолатни қайд этиш имкониятини берди: а) “компетенция” ва “компетентлик” атамалари билимлар тизимининг амалий қўлланишини англатувчи синонимлар сифатида аниқланади; б) “компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари турли асослар бўйича бир-биридан фарқланади.

2. Ҳар иккала тушунча ўртасидаги фарқ, энг аввало, уларнинг турли хил кўринишдаги мазмунига хизмат қиладиган ҳолатларда учрайди. Бундай ҳолатларда компетентлик деганда мутахассис компетентликнинг асослари бўлган таълим компетенцияларига эгалликни англатувчи шахснинг тавсифланиши тушунилади.

3. Компетентлик тузилмасини таърифлашда икки хил ёндашувлар мавжуд: тушунчанинг шажарали (компетентликнинг мазмуни ва табиатини таърифлаш) ва тур жиҳатлари, яъни компетентлик тузилмасидаги мутахассис компетенциялари турлари (масалан, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик (нутқ, фразеологик, лексик, грамматик), шунингдек, коммуникатив ва прагматик компетенциялари каби.

4. Компетенция – бу билим, кўникма ва кўникмаларнинг оддий йиғиндиси эмас, у бироз бошқача семантик қатор тушунчасидир. Бу ҳақиқий, аниқ бир одамга хос ва инсоннинг ҳаракатларига боғлиқ. Компетенция когнитив (билим), операцион (фаолият усуллари ва фаолият юритишга тайёрлик) ва аксиологик (маълум қадриятларнинг мавжудлиги) жиҳатларини бирлаштиради.

⁷ Ларионова Г.А. Компетенции в профессиональной подготовке студентов вузов: знания, действия, деятельность, самоопределение : монография. – Челябинск. – 2004. – 171. с.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедова Л.Т. Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений Республики Узбекистан//Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2016. –№4 (12) – 255-259 б.
2. Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. –Т.: Фан ва технология.– 2013. –С. 200.
3. Берулава М.Н, Некоторые аспекты концепции гуманизации образования //Гуманизация образования - императив XXI века: материалы межрегион. Конференции «Гуманизация образования» 27-29 февраля 1996 г. Науч. ред. Зимняя И.А. – Набережные Челны, – 1996. – С. 30-40.
4. Бим И.Л. Личностно-ориентированный подход - основная стратегия обновления школы // Иностранные языки в школе. 2002. №2. – С. 11-15.
5. Гусев Д.А., Флеров О.В. Основные иноязычные компетенции и особенности их формирования в дополнительном профессиональном образовании // Преподаватель XXI век. 2016. №4. – 236-252 б.
6. Джусупов М. Социоллингвистика, лингводидактика, методика.// Русский язык за рубежом. – 2012.–№1.– 22-28 б.
7. Зимняя И.А (1996). Гуманизация образования - императив 21-го века//Гуманизация образования - императив XXI века: материалы межрегион, конференции «Гуманизация образования Науч. ред.Зимняя И.А. – Набережные Челны, вып 1.– С. 20-30.
8. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Рўзиева Д. И., Усмонбаева М.Ҳ. //Педагогика. – 2013. – 198-203 б.
9. Леонтьев А.А. К основаниям личностно-ориентированной методики преподавания неродного языка // От слова к делу. Сб. докладов. ГИРЯП. М.:Гос. ИРЯ им. А.С. Пушкина, 2003. – С.145-154.